



**ИЛК ЎРТА АСР СУҒДА МАВЖУД ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМ ВА  
УНВОНЛАР ТАҲЛИЛИ**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-41>

**Сатторов Элдор,  
Самарқанд давлат университети ўқитувчиси**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада илк ўрта асрлар Суғда мавжуд ижтимоий қатламлар, унво­нлар ёритилган. Шунингдек, Суғдаги ижтимоий муносабатлар археологик ма­териал­лар ва ёзма манбаларни қиёслаш орқали акс этган. Тадқиқотда суғдликларнинг унво­нлар орқали илк ўрта аср бошқарув тизими­га муносабат билдирилган. Мазкур тадқиқот ишида шаҳар аҳолисининг қат­ламлари масаласи ҳақидаги тадқиқотчилар қарашлари таҳлил жиҳатдан ўрганилиб, ижтимоий қат­ламлардан ҳунармандларнинг кенг қатлам сифатида ривожланиш босқичлари фактлар асосида тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** заминдор - дехқон аристократияси, молия-пул аристократияси, фрамандар дапирпат магупат.

**АНАЛИЗ СОЦИАЛЬНЫХ СЛОЁВ И ТИТУЛОВ  
РАННЕСРЕДНЕВЕКОВОЙ СОГДЫ**

**Сатторов Элдор,  
преподаватель Самаркандского государственного университета**

**АННОТАЦИЯ**

В статье выявлены социальные слои и названия титулов средневековой Согды. А также, отражаются согдийские общественные отношения в археологических материалах и письменных источниках. Рассмотрена ранняя средневековая система управления с названиями согдийских титулов. Изучены взгляды исследователей на структуру городского населения и исследованы этапы развития ремесленников как широкий круг социальных слоев.

**Ключевые слова:** “владелец земли” - земледельская аристократия, финансово-денежная аристократия, фрамандар дапирпат магупат.

**ANALYSIS SOCIAL STRATA AND NAMES OF TITLES  
EARLY MEDIEVAL SOGDA**

**Sattorov Eldor,  
teacher of Samarkand State University**

**ANNOTATION**

In article social strata and names of titles of medieval Sogda are revealed. And also, are reflected согдийские public relations in archaeological materials and written sources. The early medieval control system with names согдийских titles is consid-

ered. Sights of researchers at structure of urban population and research development stages artisans as a wide range of social strata are studied.

**Key words:** “landowner” - landowning aristocracy, financial-monetary aristocracy, framandar dapirpat magupat.

Тадқиқотнинг хронологик рамкаси ҳисобланган V-VIII асрларда Марказий Суғднинг ижтимоий-иқтисодий, бошқарув тарихини ёритишда археологик ва ёзма манбаларнинг ўрни бекиёс. Жумладан, Хитой йилномалари ўзининг янада тадрижий ва узлуксиз маълумотларга бойлиги билан қиймати юқори ҳисобланади. Лекин солномаларнинг тадқиқотчилар учун қийнчилик туғдирадиган камчиликлари ҳам мавжуд. Масалан, солномаларда берилган турли атамалар, исмлар, унвонлар, жой номлари ва бошқаларнинг хитой тили ва ёзувига мослаштириб берилганлиги сабабли асл шакли бузилган ва уларни тиклаш ҳанузгача муаммо бўлиб келмоқда. Улардаги иқтисодий атамаларни ҳам мослаштириш натижасида ҳақиқатни билиш мушкул. Шу жиҳатдан олганда ҳам суғдий тилдаги ёдгорликлар минтақа тарихини тадқиқ қилувчи тадқиқотчилар учун бирламчи ва ишончли манба бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, ўзининг маҳаллий муҳитда яратилганлиги боис суғдий тилдаги манбалар Суғднинг иқтисодий ҳаёти ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида янада яққолроқ ва теранроқ тасаввур бера олади.

Суғдшунослик доирасида Суғд конфедерацияси муаммоларига бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари томонидан олиб борилмоқда. Суғд конфедерацияси ва шаҳарлари бошқаруви ҳақида тарихий, географик, нумизматик ва археологик маълумотлар шаклидаги бир қатор асарлар чоп этилди. Тадқиқотимиз объекти бўлган Суғддаги ижтимоий қатлам ва унвонлар тарихига бағишланган бир қатор илмий тадқиқот ишлари яратилган бўлиб, мазкур адабиёт ва манбаларни тили, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан уч гуруҳга бўлиш мумкин:


Биринчи гуруҳга: Рус ва МДХ олимларининг тадқиқот ишлари [1]

Иккинчи гуруҳга: Ғарб олимларининг тадқиқот ишлари [2].

Учунчи гуруҳга: Мустақилликдан сўнг амлага оширилган тадқиқотлар [3].

Мақолани ёзишда тарихий таққослаш, хронологик изчиллик, сабаб, жараён ва натижа боғлиқлиги, тарихий билишнинг холислик, тарихийлик ҳамда тизимлилик тамойилларидан фойдаланилади.

Суғднинг илк ўрта асрлар шаҳарлари аҳолисининг ижтимоий таркибини кенг қамровда тадқиқ қилиниб келаётган бўлсада, ҳозиргача тўлиқ тарзда ўрганилмаган. Тадқиқотларнинг ҳозирги босқичида ушбу мавзу бўйича фан соҳасида ишлаб чиқилган умумий тушунчаларни такомиллаштириш ва аниқлаштириш мақсадида, биринчи навбатда, археологик кузатувлар, шунингдек, суғд, хитой, араб, арман, ва бошқа тиллардаги манбаларни янгича таҳлил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мазкур тадқиқотимизда археологик материаллар ва Муғ тоғидан топилган архив ҳужжатларни таҳлили тадқиқотимизнинг асосий вазифаси ҳисобланади.



В.В. Бартольд ўзининг фаолиятининг дастлабки даврларида, “Марказий Осиёнинг барча шаҳарларида, шаҳар аҳолисининг юқори қатлами “заминдор” - деҳқон аристократияси - бўлган, сабаби уларнинг маҳаллий таъсири кучли монархия ҳокимияти томонидан чекланмаган” деган фикрни билдириб, «заминдор» зодогонларининг ёнида мол-мулк ва ижтимоий шароити деҳқонлардан фарқ қилмайдиган ва қизиқишлари мутаносиб бўлган карвон савдоси туфайли бой бўлган савдогарларнинг «молия-пул аристократияси» борлигини таъкидлайди [2].

Археологик қазилмалардан топилган ва топилаётган артефактлар Бартолднинг шаҳарнинг ҳукмрон аҳолиси бу икки гуруҳ томонидан эгаллаганлиги тўғрисидаги фикрлар ўз тасдиғини топмоқда. Бунда Пенжикентдаги қазилмаларда, топилган деворлардаги тасвирий санъат асарлари, ва артефактлар характерлидир. Тасвирларда жанглار, байрамлар, ов ва бошқа сахналар шунингдек, Марказий Осиёда ташкил этилган давлат тузилмаларининг асосий ҳарбий кучлари бўлган феодал мулкдор-деҳқонлар тасвири билан бирга биз «пул аристократияси»ни ҳам кўришимиз мумкин.

Шаҳар аҳолисининг қатламлари масаласи борасида тадқиқотчилар қарашлари анча фарқ қилади. Жумладан, А.Ю. Якубовскийнинг сўзларига кўра, арабларгача бўлган даврида аҳоли қатламида «эркин хунармандлар кам бўлган», аммо у «ҳар бир деҳқон оиласида хунарманд – қуллар мавжуд» деган фикрни билдиради [15].


С.П. Толстов фикрича хунарманд аҳолининг нисбатан кичик қисми шаҳарларда, асосан, феодал зодагон ва унинг хизматчилари ташкил қилган. Фақат вақт ўтиб махсус маҳаллаларда яшовчилар шаҳарлик хунармандларнинг қатлами пайдо бўлган [14].

Мазкур олимларнинг мулоҳазаларидан келиб чиқиб, савдо-сотик ва марказлашган давлатларининг ривожланиши натижасида шаҳарларда хунармандлар қатламининг кенгайиб боришига сабаб бўлган деган хулосага келишимиз мумкин.

М.Е. Массон, Самарқанд ҳақида гапирганда, «хунармандчилик асосан қул меҳнати асосида» деб ҳисоблайд [5]. Шу билан бирга А.И. Тереножкиннинг фикрига кўра, Самарқанд «шаҳристон ва хунарманд қул» меҳнатига асосланган ўрта аср шаҳари эди. Воронинанинг айтишича, “Шаҳарнинг аристократияси, руҳонийлар, савдогарлар ўз хизматчилари билан бирга шаҳарга жойлашган. Пенжикентнинг ривожланиши, унинг атрофидаги майдонларни ишғол қилган деҳқонлар шаҳристонда сезиларли даражада яшаганлигини кўрсатиб, шунингдек шаҳар аҳолиси орасида хунармад ва зироаткорлари мавжуд» деган фикрни билдиради [7].

Янги материаллар асосида шаҳристонда, шунингдек, работда шакллана бошлаган, аҳолининг катта қисмини хунармандлар ва уларга яқин бўлган “бозор аҳли” ташкил қилган деб айтиш мумкин. Бундай фикрга, Пенжикентда шаҳарсозликнинг умумий тасвирида, хунармандларнинг устахоналар мавжудлиги ҳамда уларнинг кўчалари бўйлаб бозорларнинг намоён бўлишига асосланиб келамиз.

Ўрта асрлардаги ёзма манбалар тадқиқотларининг умумий ифодаси, шунини



кўрсатадики «бозор аҳли» заминдор зодогонлар ва йирик савдогарлар томонидан ишлатилган. Бироқ, хунармандларнинг иқтисодий қарам бўлганлиги тўғрисида ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

Хунармандларнинг турар-жой биноларининг ҳолати, хунармандчилик устахоналари ва тижорат муассасаларининг дизайни, кўп жиҳатдан, улар мустақил шахс бўлган хунармандлар эканликларини кўрсатади. Археологик тадқиқотлардаги топилмалар эса мазкур фикримизни аослашга ёрдам беради.

Биринчидан, хунармандчилк устахоналаридан доимий равишда тангалар (баъзан танга хазиналар) топилган.

Иккинчидан, йирик ҳумлардан кўплаб тамға ва рамзлар топилган.

Тангаларни доимий топилиши хунармандларнинг иқтисодий муносабатларида мустақилилигини асосласа, кўплаб тамғалар хунармандларнинг шахсий буюртмалар бўйича ишлаганлигидан далолат беради. Уш бу икки факторга асосланиб илк ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларда иқтисодий жиҳатдан эркин фаолият юритувчи хунармандлар кенг қатлами шаклланганлидан далолат беради.


Шунингдек, кўпгина хом ғиштларни қуритишдан олдинги босилган турли белгилар мавжудлиги ғишт кўювчи хунармандларнинг буюртмаларга асосан ғиштлар тайёрланганлиги асослайди. Ғиштларга босилган белгилар ўша вақтдаги хунармандларнинг ёки бюртма берувчиларнинг бренди вазифасини бажарганлигини кўришимиз мумкин [6].

Муғ тоғидаги архив ҳужжатларидан ҳам маълумки, хунармандлар аҳолининг эркин тоифаси сифатида тан олинган. Бироқ, бу қараш шахарнинг ижтимоий-иқтисодий тузилишида заминдор ва пул зодогонларининг аҳамияти кучсизлигини англамайди.

Муғ ҳужжатларининг аксарияти расмий - идоравий ҳужжатлар бўлиб, давлат ҳокимияти қурилмасининг хусусиятларини таништириб, жамият таркибида зодогонлар ва зодогонлар бошқарув аппаратнинг ўрни ҳамда унинг таркибига доир маълумотлар берган.

Ҳукмдордан кейинги ўринда илк ўрта асрларда фрамандар – “буюруқлар эгаси” турган, фикримизча ўрта асрлардаги вазир унвони ва фармандар бир хил даража ва аҳамиятдаги унвонлар ҳисобланади. Манбалар тахлили шуни кўрсатадики, А-18 рақамли ҳужжатда иқтисодий ночор аҳволда қолган Эзровадк қишлоғи аҳолисига марказ омборхонасидан дон бериш ҳақида буйруқ берилган. Подшо бу хатни жўнатган вақтида фрамандар Утт марказдан узоқда бўлган. Бу шуни кўрсатадики, фрамандар хўжалик фаолиятини вилоят бўйлаб шахсан бошқариб турган. Унга девонхона бошлиғи дапирпат-котиблар бошлиғи, кейин арспанлар - «уй бошқарувчилари» ёки қишлоқ оқсоқоллари ва уларнинг ноиблари-апсарспанлар бўйсунганлар [11].

Қишлоқлар вилоятининг марказга бўйсунувчи маъмурий тизими сифатида қаралган. Уларни бошқарган лавозим эгалари арспан номи билан аталган. Булар қишлоқ оқсоқоллари демакдир. Арспанлар зиммасида ўз қишлоғи хўжалигини бошқариш, улардан тушадиган маҳсулотлар ва солиқ йиғимларини таъминлаш,



ҳарбий ҳолатда аскар етказиб бериш, ҳарбий анжомлар ва озиқ-овқат билан таъминлаш вазифалари бўлган. Арспанлар анжумани марказий бошқарувда маслаҳат овозига эга бўлган [7].

В.А.Лившиц молия учун маъсул гопат ҳисобланишини таъкидлайди. Шунингдек, кўплаб ҳужжатларда солиқ йиғувчи-божқарам ариқ боши (ўрта асрлардаги Мироб) сувчи каби суний суғориш бўйича масуллар тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган [1].

Шарқ мамалкатларида ҳам илк ўрта асрларда Ғарб мамлакатларидаги каби отхона бошлиғи лавозими ҳам муҳим аҳамият касб этган. Шу билан бирга, саройда боғ бошлиғи (ов кўриқхонаси), бош шифокор, жаллод каби номлар билан тавсифланади.

«Суй-шу» солномасида Шарқий Туркистондаги - Чао-Чан (Турфон) кичик князлигининг бошқарув аппарати тўғрисидаги маълумот юқоридаги фикримизнинг тасдиғи учун муҳим ҳисобланади. Ушбу манбага кўра, «мансабдорлар бош вазир, иккита вазир, икки тансоқчи, саккизта иш бошқарувчи, бешта кўмондон, саккизта саркардадан иборат. Кейинги ўринларда маслаҳатчилар, котиблар ва ёзувчилар турган. Ҳукмдорнинг ўзи муҳим масалаларни ҳал қилиб, унча аҳамиятсиз ишларни ҳал қилишни энг катта ўғли ва вазирларга топширган» [2].

Амалдорлар ҳар қандай вазиятда пойтахт шаҳарларда ҳукмрон қатламларнинг бир қисми бўлган шаҳар аҳолиси таркибида аниқ ва муҳим ўрин эгаллаган.

Муғ тоғидан топилган архив ҳужжатларида ижтимоий қатламлардан бўлган руҳонийларга оид ҳужжатлар ҳам мавжудлигини таъкидлашимиз мумкин. Руҳонийларга оид сўзлар руҳонийларнинг иерархияси, ва уларга тегишли ташкилотнинг мавжудлигини кўрсатади. Булар мағупат ва ваганпат (бош руҳоний) унвонлари. Ушбу номлар, Пенжикент расмларининг афсонавий сахналарида ўз аксини топган турли хил тоифадаги қоҳинлар мавжудлигини англатади [10].

Бундан ташқари руҳонийлар қатламининг илк ўрта асрларда тутган ўрнини кўрсатишда Муғ архив ҳужжатлари қимматли маълумотларни беради. Жумладан «баёнотларда» – ҳукумат томонидан пул бериладиган шахсларнинг рўйхатига мулозимлар билан бир қаторда мағупат киритилганлиги руҳонийларни ҳам давлат бошқарувида юқори аҳамият касб этганлигин ва ҳокимиятнинг муҳим таянчларидан бири эканлигини асослайди [8].

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, илк ўрта аср Суғд давлатида жиддий равишда тартибга солинган ва узоқ анъанага эга бўлган маъмурий бошқарув тизими, маҳкама ва девон хизмати амал қилган. Бу манзара Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчилик тарихининг муҳим бир босқичини белгилаб беради ва унинг қадимий бошқарув асосларини кўрсатади.

Шунингдек, илк ўрта асрлар Суғд шаҳар маданиятини умумий ижтимоий-иқтисодий низомларни ва сиёсий тарихдаги муайян воқеаларни акс эттирувчи мураккаб бир ҳодиса сифатида ривожланиш жараёни аниқ тарихий ҳодиса сифатида тобора кенгайиб бораётганлиги ижтимоий қатламларни ўрганиш заруриятини оширмақда. Бу эса анъанавий формулага айланиб қолган тарихни эмас, балки тарихий ҳақиқатнинг ҳақиқий ҳодисасини акс эттиришга асос бўлиб



### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Беленицкий А.М., Исаков А., Маршак В.И., Распопова В.И. Раскопки на городище древнего Пенджикента в 1973 году. Археологические работы в Таджикистане (1973 г.). Вып. 13., Душанбе: Дониш, 1977. Беленицкий А.М. Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Издательство „Наука“ Ленинградское отделение., Ленинград, 1973. Бушков В.И., Новиков С.В. Об интерпретации некоторых документов с горы Муг и местной топонимики // Вестник МГУ. Серия VIII. История. №3, 1992. Васильев А.А История средних веков.- М.: Республика, 1993. Васильев Л.С. История Востока. В 2 т. Т. 2: Учеб. по спец. „История”. – М.: Высш. шк., 1998. Васильев А.И. Согдийский замок на горе Муг // Согдийский сборник. Л., 2004.

2. Henning W.B. The Date of the Sogdian Ancient Letters // BSOAS. 1948, vol. 12, pt. 3–4. P. 601–615. Harmatta J. Eine neue Quelle zur Geschichte der Seidenstrasse // Jahrbuch für Wissenschaftsgeschichte. No. 2. B., 1971. S. 135–143; The Archaeological Evidence for the Date of the Sogdian “Ancient Letters” // AAASH. t. 24, fasc. 1, 1976. P. 71–86; Sir Aurel Stein and the Date of the Sogdian “Ancient Letters” // Jubilee Volume of the Oriental Collection 1951–1976. Budapest, 1978. P. 73–88; Sogdian Sources for the History of Pre-Islamic Central Asia // Prolegomena of the Sources on the History of Pre-Islamic Central Asia. Budapest, 1979. P. 153–165. 3 Grenet F., Sims-Williams N. The Historical Context of the Sogdian Ancient Letters // Transition Periods in Iranian History. Actes du Symposium de Friburg-en-Brisgau (22–24 Mai 1985). Leuven, 1987. P. 101–122. (Studia Iranica. Cahier 5). Read for example Hlne Vetch, Lieou Sa-ho et les grottes de Mo-kaou, in Nouvelle contributions aux etudes de Touen-houang, Genve 1981, 137—148. Vetch unfortunately was otherwise uninformed about the Jihu, as shown by her speculation that ji in Jihu referred to Kashmir (- P.147n34).

3. Шаякубов Ш.Ш. VI-VIII асрлар Марказий Осиё сиёсий тарихида суғд (Суғд ёзма ёдгорликлари асосида) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. Тошкент – 2008. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: Фан, 2000. – 342 с. // Ҳотамов А., Халилов Ш. Йиллар садоси (Кармана тарихидан лавҳалар). – Тошкент: Адолат, 1995. – 67 б. Ғойибов Б. Суғд конфедерацияси: шаклланиши, тараққиёти ва таназзули. – Тошкент: 2015. – 276 б. Бобоёров Ғ. “Ўзбек халқи давлатчилиги тарихида Чоч воҳасининг тутган ўрни (Илк ўрта асрлар мисолида)”, “Турк ҳоконлиги даврида Суғд (бошқарув тизими)”, Исҳоқов М.М. “Унутилган подшоликдан хатлар”, “Суғдиёна тарих чорраҳасида”, Мамараҳимова Б.И. “Суғднинг Панч ҳокимлигида лавозим эгалари ва маҳкамавий ҳужжатчилик масаласига доир (VII–VIII аср)” .

4. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – М, 1973.

5. Бичурин Н. Я. (Иакинф). 1950—1953. Собрание сведений о народах,



обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.-Л. I, II, 1950; III, 1953.

6. Воронина В. Л. Архитектурные памятники древнего Пенджикента. МИА, № 37. – М, 1953.

7. Воронина В. Л. Городище древнего Пенджикента как источник для истории зодчества. В кн.: Архитектурное наследство. VIII. – М, 1957.

8. Воронина В. Л. Архитектура древнего Пенджикента. МИА, № 66, - М.-Л. 1958.

9. Воронина В. Л. Раннесредневековый город Средней Азии. СА, № 1. – М, 1959.

10. Воронина В.Л. Архитектурный орнамент древнего Пенджикента. В кн.: Скульптура и живопись древнего Пенджикента. – М, 1956.

11. Gayibov V. About Confederative Administration Ruling of Sogd //International Journal of Central Asian Studies. South Korea. Volume 20. 2016. – P. 167-179

12. Гойибов Б. Из истории управления раннесредневекового Согда (на основе согдийских письменных источников) // Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. – Курск, 2014. – №2.

13. Гойибов Б. Из истории системы управления конфедерации раннесредневекового Согда // Тарих тилга кирганда... Мақолалар тўплами. – Наманган, – № 5. 2014.

14. Лившиц В. А. Три согдийские надписи. ИООН АН ТаджССР, в. 14. – Душанбе, 1957.

15. Сарияниди В. И. Керамические печи городищ древнего Мерва. Сб. студенческих работ САГУ, в. V. – Ташкент, 1953.

16. Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. – М, 1970.

17. Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М, 1962.

18. Якубовский А. Ю. а. Древний Пенджикент. В кн.: По следам древних культур. – М, 1951.